



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 13 » iyun

№ 331

Toshkent sh.

### **Шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва ундаги маблағларнинг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва ундаги маблағларнинг ҳисобини юритиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 378-моддасига мувофиқ солиқ тўловчилар иш ҳақининг ва бошқа даромадларининг маҳаллий фонд бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозларни сотиб олиш учун шахсий инвестиция ҳисобварағига йўналтириладиган қисми тегишли шартлар асосида солиқ солинмайдиган даромад турларига киритилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ–291-сон қарори билан тасдиқланган 2023-2025 йилларда капитал бозорини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”нинг 17-бандида шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва пул маблағларининг ҳисобини юритиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва ундаги маблағларнинг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари;

шахсий инвестиция ҳисобварағидаги маблағларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг ҳолати тўғрисида маълумотларни тақдим этиш тартиби;

шахсий инвестиция ҳисобварағига йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлар бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби;

шахсий инвестиция ҳисобварағини ёпиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси билан биргаликда **бир ой муддатда** шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва унинг аҳамияти юзасидан кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори Д.Р. Ли зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 13 июндаги 331-сон қарорига  
илова

## Шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва ундаги маблағларнинг ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва ундаги маблағларнинг ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом қоидалари акциялар, корпоратив облигациялар, узоқ муддатли давлат қимматли қоғозлари, муниципал облигациялар, инвестиция пайлари ва пай фондларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**бадал** – шахсий инвестиция ҳисобварағига йўналтириладиган мижознинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг бир қисми;

**ваколатли орган** – Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги;

**мижоз** – Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси;

**инвестиция воситачиси** – мижознинг топшириғига биноан мижоз номидан ва унинг ҳисобидан қимматли қоғозлар бўйича битимлар ва операцияларни амалга оширадиган, фонд биржасининг аъзоси ҳисобланган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси;

**шартнома** – шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва юритиш бўйича брокерлик-депозитар хизматлар кўрсатишни назарда тутувчи бир йил муддатга тузиладиган келишув;

**шахсий инвестиция ҳисобварағи** – мижознинг қимматли қоғозлари ва маблағлари ҳисобини юритиш учун инвестиция воситачиси томонидан очиладиган ҳисобварақ.

3. Шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва ундаги маблағларнинг ҳисобини юритиш мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

### 2-боб. Шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш тартиби

4. Шахсий инвестиция ҳисобварағи маҳаллий фонд бозорида муомалага чиқарилган ва уюшган қимматли қоғозлар бозорида савдо қилинадиган қимматли қоғозларни сотиб олиш учун фойдаланилади.

5. Шахсий инвестиция ҳисобварағи бир йил муддатга тузиладиган шартномага асосан инвестиция воситачиси томонидан очилади ва юритилади.

6. Мижоз фақат битта шахсий инвестиция ҳисобварағига эга бўлиши мумкин.

7. Шахсий инвестиция ҳисобварағига бадал ва ундаги барча операциялар миллий валютада амалга оширилади.

8. Мижоз шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш учун инвестиция воситачисига жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини (ЖШШИР) кўрсатган ҳолда ариза ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади.

9. Инвестиция воситачиси мижозга бир кун ичида шахсий инвестиция ҳисобварағини очади.

Бунда инвестиция воситачиси масофадан туриб рақамли идентификация қилиш орқали электрон шаклда шахсий инвестиция ҳисобварағи очиши, мижознинг қимматли қоғозларини сотиб олиши ва сотиши, шунингдек, унга шартномага мувофиқ бошқа хизматларни кўрсатиши мумкин.

10. Мижоз бошқа инвестиция воситачиси хизматидан фойдаланган ҳолда шахсий инвестиция ҳисобварағи очиш ҳуқуқига эга. Бунда:

аввалги инвестиция воситачиси томонидан очилган ҳисобварағи ўн кун ичида ёпилади ва олдин тузилган шартнома бекор қилинади;

ушбу муддат ичида барча қимматли қоғозлар ва маблағлар янги очилган шахсий инвестиция ҳисобварағига ўтказилганда, ушбу Низомнинг 25-бандида келтирилган талабларнинг бузилишига олиб келмайди.

11. Шахсий инвестиция ҳисобварағи ваколатли орган томонидан белгиланадиган ягона депозитар ҳисоби ва ҳисоботи қоидаларига (стандартларга) мувофиқ очилади ва юритилади.

### **3-боб. Шахсий инвестиция ҳисобварағидаги маблағларнинг ҳисобини юритиш тартиби**

12. Мижоз шахсий инвестиция ҳисобварағидан мустақил равишда ёки инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси орқали фойдаланиши мумкин.

13. Шахсий инвестиция ҳисобварағидаги қимматли қоғозлар ва маблағлардан фақат шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш лозим.

14. Шахсий инвестиция ҳисобварағида акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар бўйича фоиз даромадлари ҳисоби юритилмайди.

Бунда ушбу маблағлар инвестиция воситачиси томонидан мижознинг банк ёки депо-ҳисобварағига ўтказилади.

15. Мижоз инвестиция воситачисидан исталган вақтда ўзининг шахсий инвестиция ҳисобварағидаги қимматли қоғозлар ва маблағларни қайтариб беришни ёки янги шартнома тузилган бошқа инвестиция воситачисига ўтказиб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

16. Мижознинг шахсий инвестиция ҳисобварағи ёпилганда ёки бошқа инвестиция воситачисига ўтказилганда, ундаги қимматли қоғозлар ва маблағлар шартнома бекор қилинмасдан ва солиқ мажбуриятлари бўйича юзага келадиган ҳисоб-китоблар амалга оширилмасдан мижозга қайтарилишига йўл қўйилмайди.

17. Инвестиция воситачиси шахсий инвестиция ҳисобварағига инвестициядан олинган даромадлар бўйича солиқни ҳисоблаб чиқади ва ушлаб қолади, уни шахсий инвестиция ҳисобварағи ёпилган кундан бошлаб икки кун ичида солиқ органларига юборади ҳамда мижозга соф даромадни тўлайди.

#### **4-боб. Шахсий инвестиция ҳисобварағини ёпиш тартиби**

18. Мижоз инвестиция воситачисига исталган вақтда шахсий инвестиция ҳисобварағини ёпиш тўғрисида ариза бериш орқали, шу жумладан, масофадан туриб шахсий инвестиция ҳисобварағини ёпиш ҳуқуқига эга.

19. Шахсий инвестиция ҳисобварағи шартнома тузилган кундан бошлаб ўн икки ой ўтмасдан олдин ёпилган ҳолатларда ундаги маблағлар солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғига тортилади.

20. Шахсий инвестиция ҳисобварағи ундаги барча қимматли қоғозлар сотилгандан кейин ёки мижознинг кўрсатмаси бўйича бошқа шахсий инвестиция ҳисобварағи ёки депо-ҳисобварағига ўтказилгандан сўнг ёпилишига йўл қўйилади.

21. Инвестиция воситачиси мижознинг шахсий инвестиция ҳисобварағини ёпиш тўғрисидаги аризасини олган кундан бошлаб ўн иш куни ичида шахсий инвестиция ҳисобини ёпиши шарт.

22. Шахсий инвестиция ҳисобварағидаги қимматли қоғозларни тўлиқ сотиш имкони бўлмаган тақдирда, қимматли қоғозларнинг сотилмаган қисми мижоз томонидан кўрсатилган унинг депо-ҳисобварағига уч иш куни ичида ўтказилади.

23. Муддатидан олдин ёпилган шахсий инвестиция ҳисобварағи бўйича солиқ базасини ҳисоблаш учун шахсий инвестиция ҳисобварағини ёпиш тўғрисида мижознинг аризаси берилган санадаги охириги биржа котировкасидан фойдаланилади.

24. Мижоз шартномага мувофиқ инвестиция воситачисига маблағларни ёки қимматли қоғозларни ўтказиши мумкин.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

25. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 378-моддаси 23-бандига мувофиқ мижозларнинг маҳаллий фонд бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозларни сотиб олиш учун шахсий инвестиция ҳисобварағига йўналтирилadиган иш ҳақи ва бошқа даромадлар қуйидаги шартлар бажарилган ҳолда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича солиққа тортилмайди:

солиқ даврида жами меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг юз бараваригача бўлган миқдорда;

тўловлар (бадаллар) ўсиб бормayдиган тартибда тўланганда ва бир йўла тўланадиган тўловларни шартноманинг амал қилиш муддати бошланган кундан эътиборан ўн икки ой ичида қайтариб олмаслик шarti билан.

Ушбу банднинг шартлари бузилган ёхуд шартнома муддатидан олдин бекор қилинган ва маблағлар тўлиқ ёки қисман қайтарилган тақдирда, қайтариладиган маблағлар тўлов манбаида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда солиққа тортилади.

26. Солиқ даври давомида бадал меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг юз бараваридан ошганда, бадалнинг ошган қисми мижознинг оддий депо-ҳисобварағига ўтказилади.

27. Қимматли қоғозларга инвестиция қилинган даромадлар (акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар бўйича фоизли даромадлар) бўйича солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўланади.

28. Инвестиция воситачилари ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари ҳар ойда шахсий инвестиция ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни ваколатли орган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ваколатли орган ва солиқ органларига электрон шаклда тақдим этиб борадилар.

29. Инвестиция воситачилари ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари мижознинг талабига биноан унга шахсий инвестиция ҳисобварағидаги қимматли қоғозлар ва маблағларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шарт.

30. Шахсий инвестиция ҳисобварағига оид маълумотлар фақат қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллардагина ошкор қилиниши мумкин.

31. Ушбу Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш  
ва ундаги маблағларнинг ҳисобини юритиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

Шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш  
ва ундаги маблағларнинг ҳисобини юритиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Мижоз	Шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш учун инвестиция воситачисига жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини (ЖШШИР) кўрсатган ҳолда ариза ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Инвестиция воситачиси	Шахсий инвестиция ҳисобварағини очиш ва юритиш бўйича мижоз билан бир йил муддатга шартнома тузади ҳамда унга шахсий инвестиция ҳисобварағини очади.	Бир кун ичида
3-босқич	Мижоз	Иш ҳақи ва бошқа даромадларининг бир қисми ҳисобидан шахсий инвестиция ҳисобварағига бадаллар ўтказиб боради.	Ўз хоҳишига кўра
4-босқич	Инвестиция воситачиси	Инвестиция воситачиси/ активларининг ишончли бошқарувчиси орқали ёки мижознинг ўзи томонидан шахсий инвестиция ҳисобварағини юритилишини ҳамда тегишли операциялар амалга оширилишини таъминлайди.	Мижознинг талабига кўра
5-босқич	Инвестиция воситачиси	Шахсий инвестиция ҳисобварағига инвестициядан олинган даромадлар бўйича солиқни ҳисоблаб чиқади ва солиқ органларига юборади ҳамда мижозга соф даромадни ўтказиб беради.	Солиқ тўлаш муддатларида
6-босқич	Инвестиция воситачиси	Мижознинг шахсий инвестиция ҳисобварағини ёпиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ унинг шахсий инвестиция ҳисобварағини ёпади.	Мижознинг талабига кўра ўн кун ичида

